БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 236 (19.612). • 1986 йил 18 октябрь, шанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

## СССР Олий Советини чақириш тўғрисида

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**
Ўн биринчи чақириқ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг олтинчи сессияси 1986 йил 17 ноябрда Москва шаҳрида чақирилсин.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль, 1986 йил 17 октябрь.

* * *

СССР Олий Совети Президиуми ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг олтинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш назарда тутилаётганини маълум қилади:

1. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 йилги давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида.

2. СССРнинг 1987 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва СССРнинг 1985 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида.

3. СССР Халқ контроли комитетининг фаолияти тўғрисида.

4. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисида СССР Қонуни лойиҳаси ҳақида.

5. СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

# КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 16 октябрда бўлган мажлисида мамлакат экономикасининг тўққиз ой мобайнидаги ривожланиш якунларини ва 1986 йил планини бажариш соҳасидаги вазифаларни кўриб чиқди.

Мажлисда қайд этилишича, совет халқининг мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш юзасидан партия ишлаб чиққан йўлни амалга ошириш соҳасидаги фидокорона меҳнати халқ хўжалигининг барча тармоқларида ижобий натижалар бермоқда. Ўсишнинг узоқ муддатли стратегик омиллари — фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни интенсивлаш, унинг структурасини яхшилаш, инвестиция жараёнини қайта қуриш, маҳсулот сифатини ошириш ва ресурсларни тежаш омиллари тўлиқроқ ҳаракатга кела бошлаганлиги принципиал муҳимдир. Умумий иқтисодий кўрсаткичларнинг кўпчилиги юзасидан берилган топшириқлар бажарилмоқда. Ҳосил қилинган миллий даромад 4,3 процент кўпайди, меҳнат унумдорлиги 4,8 процент кўтарилди. Халқ хўжалиги деярли барча тармоқларини ривожлантиришнинг юксак суръатлари таъминланди. Саноатда ишлаб чиқариш ҳажми 5,2 процент ошди, бу эса план топшириқларидан юқори бўлиб, унинг ўтган йил тўққиз ой мобайнидаги ўсишидан анча ортиқдир. Шу тариқа беш йилликнинг биринчи йилидаёқ ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръатлари жиҳатидан беш йилликнинг ўртача йиллик топшириқлари даражасига чиқиб олиш юзасидан ўртага қўйилган вазифани ҳал этиш таъминланмоқда. Деҳқончиликда кейинги йилларга нисбатан юқорироқ натижалар қўлга киритилди, чорвачилик маҳсулотини янада кўпайтиришга эришилди. Капитал қурилиш суръатларини оширишдек муҳим вазифани ҳал этишда катта силжишлар рўй бермоқда.

Экономикани ривожлантиришнинг социал йўналиши кучайтирилмоқда. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш (вино-арақ маҳсулотларидан ташқари) 6 процент, уларни сотиш эса 7,5 процент кўпайди. Ҳақ тўланадиган хизматларни ўстириш жадаллашди, халқ истеъмоли структураси яхшиланди. Уй-жой ва социал-маданий қурилиш миқёслари кенгайди. Социал соҳанинг моддий базасини мустаҳкамлаш программасини амалга ошириш бошланди.

Шунга қарамай, ҳали экономикада бир талай салбий ҳолатлар бор, кўпгина тармоқларда қайта қуриш суст бормоқда, бу жараён барча меҳнат коллективларини ўз ичига олгани йўқ. Бир қанча министрликлар ва идораларнинг, иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг раҳбарлари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг биринчи ярим йилликдаги иш якунлари тўғрисида чиқарган қарорида баён этилган танқиддан муносиб хулосалар чиқариб олганлари йўқ. Шартномаларга мувофиқ маҳсулот етказиб бериш планларини ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари юзасидан белгиланган топшириқларни бажаришдаги қолоқлик тугатилгани йўқ. Кўпгина министрликлар квартал плани доирасида корхоналарнинг бир маромда ишлашини ташкил этиш юзасидан қўйилган жуда муҳим талабни бажармадилар. Капитал қурилишдаги аҳвол бирмунча яхшиланган бўлишига қарамай, бу тармоқдаги қайта қуриш секинлик билан бормоқда. Ресурсларни ишга тушириладиган халқ хўжалик объектларига марказлаштириш ҳали ҳам таъминланмаяпти. Бу соҳадаги топшириқларнинг бажарилиш даражаси, одатда, умуман қурилишдаги топшириқларнинг бажарилиш даражасидан паст.

СССР Госплани, министрликлар ва идоралар, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига тўртинчи кварталнинг ойлик топшириқлари бир текис тақсимланишини таъминлаш, ишлаб чиқариш маромини кучайтириш юзасидан қўшимча чоралар кўриш таклиф қилинди. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, қиш шароитларида ишлашга тайёргарликни тугаллашга, номенклатура юзасидан белгиланган планга қатъий риоя қилишга ва шартномавий мажбуриятларни бажаришга алоҳида эътибор қаратилди. Ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, уй-жой ва социал объектлар қуриш, товар обороти юзасидан белгиланган топшириқларни амалга ошириш соҳасидаги ишни кучайтириш ҳақида кўрсатма берилди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси министрликлар ва идораларнинг, иттифоқдош республикалар Министрлар Советларнинг раҳбарларидан келгуси йилдан бошлаб бутун саноатни ва бошқа тармоқларнинг корхоналарини хўжалик юритишнинг янги шароитларига ўтказишга ўз вақтида, сифатли ҳозирлик кўриш чора-тадбирларини зудлик билан амалга оширишни талаб қилди. Иттифоқдош республикалар компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига совет экономикасини ривожлантиришнинг мана шу энг муҳим масалалари бутун комплексини доимий назорат остига олиш топширилди.

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь Социалистик революцияси 69 йиллигига Чақириқлари маъқулланди, бу Чақириқлар матбуотда эълон қилинади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг соғлиқни сақлаш ва социал таъминот ходимлари, шу жумладан, врачлар, провизорлар, медицина ҳамширалари, кўйи хизмат ходимлари иш ҳақини ошириш тўғрисидаги қарори қабул этилди. Меҳнат ҳақининг янги шартларини 1986—1991 йиллар мобайнида босқичма-босқич жорий этиш назарда тутилади. Биринчи галда хирургларнинг, анестезиолог-реаниматологларнинг, хотин-қизлар консультациялари, туғруқхоналар врачларининг ҳамда мураккаб ва масъулиятли иш турларини бажарувчи бошқа медицина ходимларининг мансаб окладлари оширилади. Қишлоқ жойлардаги врачлар учун юқорироқ оклад кўзда тутилди. Шу билан бирга мукофотлар миқдори кўпайтирилади, ишнинг мураккаблиги, тиғизлиги ва сифати учун, тунги вақтдаги иш учун қўшимча ҳақ жорий этилади. Фахрий унвонларга ва илмий даражалари бўлган ходимларга, шунингдек малака категориялари учун қўшимча ҳақларни ошириш белгиланди. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши медицина ходимлари иши сифатини яхшилашга, уларнинг касб маҳоратини оширишдан манфаатдорлигини кучайтиришга, аҳолининг медицина ёрдамига эҳтиёжларини тўлиқроқ қондиришга кўмаклашади.

Сиёсий бюро социал соҳани бошқаришни такомиллаштириш ҳамда бу соҳада министрликлар, идораларнинг, республика ва маҳаллий органларнинг ишини мувофиқлаштириб олиб боришни кучайтириш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиб, ҳукуматнинг доимий ишловчи органи сифатида СССР Министрлар Советининг социал ривожланиш бюросини тузишни зарур, деб топди. Бу бюро зиммасига СССР министрликлари ва идоралари, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари билан биргаликда КПСС XXVII съезди ишлаб чиққан социал программани, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг социал комплексни ривожлантиришга оид қарорларини амалга оширишни, беш йиллик ва йиллик планларнинг социал ривожланиш қисми бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилади. Меҳнаткашларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини янада тўла-тўкис қондиришга, социалистик тақсимотни такомиллаштиришга, социал адолат принципини оғишмай рўёбга чиқаришга оид таъсирчан чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишга алоҳида эътибор берилади.

Илгари қабул этилган қарорларнинг ижросини назорат қилиш тартибида Сиёсий бюро ҳисоблаш техникасини ривожлантириш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги вазифалар қандай амалга оширилаётганлигини кўриб чиқди. Бу соҳадаги ишлар тасдиқланган умумдавлат программасига мувофиқ кенг жабҳа бўйлаб олиб борилаётганлиги таъкидланди. Илмий тадқиқотларни янада авж олдириш, ҳисоблаш техникаси воситаларининг техникавий даражаси ва пишиқ-пухталигини ошириш, уни кўплаб ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда ундан халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун янада самарали фойдаланиш йўллари белгиланди.

Ўртоқ М. С. Горбачевнинг Эрнст Тельман ҳайкали очилиши муносабати билан Москвага келган Э. Хонеккер, Г. Мис, Х. Шмитт билан ўтказган суҳбатлари якунлари маъқулланди. СССР билан ГДР ўртасидаги алоқалар янада мустаҳкамланганлиги, КПСС билан ГДР, ГФР ва Ғарбий Берлин коммунистлари ўртасидаги қардошларча дўстлик кучайганлигидан мамнуният изҳор этилди.

Ўртоқ М. С. Горбачевнинг Лаос Халқ-Революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЛХДР Министрлар Советининг Раиси Кейсон Фомвихан билан учрашуви тўғрисидаги ахбороти тингланди. Сиёсий бюро Совет Иттифоқи билан Лаос ўртасидаги ҳамкорликни муттасил ривожлантириш, КПСС билан ЛХРПнинг, СССР билан ЛХДРнинг кўп томонлама Совет—Лаос алоқаларини такомиллаштириш масалаларидаги, Осиё—Тинч океани регионида вазиятни соғломлаштириш учун курашдаги позициялари бирлигининг муҳимлигини таъкидлади.

Сиёсий бюро совет раҳбарларининг Буркина Фасо Миллий революция кенгашининг Раиси, мамлакат Президенти Т. Санкара билан музокаралари натижаларини кўриб чиқиб, ҳозирги халқаро вазият асосий масалалари юзасидан иккала мамлакатнинг позициялари бирлигини қайд этди ҳамда СССР билан Буркина Фасо ўртасидаги дўстона муносабатларни янада ривожлантириш муддаосини тасдиқлади.

М. С. Горбачев ва А. А. Громико ўртоқларнинг Аргентина республикаси президенти Р. Р. Альфонсин билан музокаралари якунлари кўриб чиқилди, бу музокаралар тобора хилма-хил тус олаётган Совет—Аргентина муносабатларини чуқурлаштиришда муҳим қадам бўлди. Термоядро фалокатининг олдини олиш, қуролланиш пойгасини ва ядро синовларини тўхтатишга тааллуқли кўпгина муҳим масалалар юзасидан иккала мамлакатнинг позициялари бир-бирига мослиги қайд этилди. Шу муносабат билан Аргентинанинг ва «Деҳли олтилиги» бошқа мамлакатларининг тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ишидаги ролини юксак баҳоласа арзийди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида иқтисодий қурилиш ва социал соҳани ривожлантиришнинг, шунингдек, КПСС XXVII съезди томонидан ташқи сиёсий фаолият соҳасида ядро уруши хавфини тугатиш ва халқларнинг тинч ҳамкорлигини таъминлаш юзасидан берилган йўл-йўриқларни амалга оширишнинг бошқа баъзи масалалари муҳокама қилинди.

ҲОСИЛ 86



Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхозда «зангори кема»ларни тўла ишга солиб, уларнинг қувватидан самарали фойдаланилаётганлиги туфайли терим суръати тобора кўтарилмоқда. Ўз касбига меҳр қўйган моҳир механизаторлар хирмонга айниқса, салмоқли улуш қўшишяпти. Уларнинг сафида тажрибали суворий Шокир Арслонов ҳам бор. Мавсумда 150 тонна «оқ олтин» териш мажбуриятини олган бу пешқадам дала гвардиячиси ўз агрегати бункеридан кунига ўн тоннага етказиб пахта тўкишга эришяпти.

Суратда: илғор механизатор Ш. Арслонов.

Ҳ. АВВАЛОВ фотоси.

НОМЕРГА ТЕЛЕГРАММА

## РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ БЎЛИБ

Кеча, газета саҳифаланаётганда Фарғона область Ўзбекистон район партия комитети, район ижроия комитети ва район агросаноат бирлашмасидан телеграмма олинди. Унда Ўзбекистон райони меҳнаткашларининг республикада биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажарганликлари ҳақида хабар қилинади.

Район пахтакорлари Ватанга 48 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» топширдилар. Ҳар гектар ҳисобига 30 центнердан хирмон кўтарилди. Жами ҳосилнинг 90 проценти юқори нав билан сотилди. Бу меҳнат муваффақиятида механизаторларнинг роли катта бўлди. Улар хом ашёнинг кўп қисмини машиналарда териб беришди.

Районнинг катта хирмонига барча хўжаликлар салмоқли улуш қўшдилар. Айниқса, «Ғаниобод», «Комсомол», «Қўқон», «Қолгандарё» совхозлари миришкорлари баракали меҳнат қилдилар. Улар давлат планини 40—45 иш кунида бажарилишини таъминладилар.

Ўзбекистон райони пахтакорлари давлатга «оқ олтин» сотишни давом эттирмоқдалар. Улар район пахта хирмонини 55 минг тоннага етказишга қатъий аҳд қилганлар.

## „ОҚ ОЛТИН" хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 17 октябрга бўлган

**МАЪЛУМОТ**

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Фарғона | 1,76 | 83,65 | 0,91 | 54,93 |
| Тошкент | 1,59 | 75,66 | 1,10 | 82,67 |
| Наманган | 1,94 | 66,41 | 1,96 | 53,53 |
| Сурхондарё | 2,05 | 66,34 | 2,16 | 70,75 |
| ҚҚАССР | 1,46 | 65,08 | 0,98 | 46,27 |
| Сирдарё | 1,06 | 64,73 | 0,57 | 78,91 |
| Хоразм | 1,31 | 62,71 | 0,58 | 32,47 |
| Бухоро | 1,00 | 60,65 | 0,15 | 12,07 |
| Самарқанд | 1,36 | 49,98 | 0,80 | 28,28 |
| Андижон | 2,26 | 49,07 | 1,45 | 29,55 |
| Жиззах | 0,87 | 48,86 | 0,55 | 48,68 |
| Навоий | 1,29 | 40,73 | 0,63 | 13,93 |
| Қашқадарё | 1,08 | 38,71 | 0,76 | 25,98 |
| Республика бўйича: | 1,50 | 59,95 | 0,99 | 46,28 |
| Шу жумладан ингичка толали пахта: | | | | |
| Сурхондарё | 3,43 | 103,60 | 4,30 | 126,91 |
| Наманган | 1,88 | 76,46 | — | 1,75 |
| Навоий | 1,72 | 64,97 | 0,14 | 1,54 |
| Бухоро | 0,92 | 55,60 | — | — |
| Қашқадарё | 1,38 | 29,36 | 1,70 | 23,25 |
| Республика бўйича: | 2,61 | 77,26 | 3,19 | 85,75 |

## матбуот маркази хабар қилади

### МАРРАДАН ЎЗГАНЛАР

**БУХОРО**

Вобкент районидаги 11-кўриқ совхознинг Самад Раҳматов бошлиқ бригадасида пахта тайёрлаш плани бажарилди. Давлат хирмонига 300 тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб берилди. Кўриқ ерларнинг ҳар гектаридан 25,5 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Расул Ҳамроев, Ориф Раҳматов, Исматулла Мухторов каби механизаторлар ўз агрегатлари бункеридан 280 тоннадан «оқ олтин» тўкишди.

**ЖИЗЗАХ**

«Йиллик план бажарилди!» — Октябрь районидаги Охунбобоев номли совхознинг Довурбой Комилов бошлиқ бригадаси пахтакорлари берган ғалаба рапорти шундай бошланади. Улар мавжуд ерларнинг ҳар гектаридан 30 центнердан хирмон кўтариб, давлатга 320 тонна юқори сифатли хом ашё етказиб бердилар. Ялпи ҳосилнинг деярли ҳаммаси машиналар ёрдамида териб олинди.

**НАМАНГАН**

Чортоқ районидаги узумчиликка ихтисослаштирилган «Фарғона» совхозидан йиллик пахта тайёрлаш плани бажарилганлиги ҳақида хушхабар олинди. Совхоз деҳқонлари қабул пунктларига 550 тонна «оқ олтин» етказиб бердилар.

**ТОШКЕНТ**

Свердлов номли колхоз пахтакорлари Ўрта Чирчиқ районида биринчи бўлиб ғалаба маррасини эгалладилар. Бу ерда 670 гектар ердан 1945 тонна хом ашё териб олинди.

## ЕМ-ХАШАК ТАЙЁРЛАШ ИЛҒОРЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ем-хашак тайёрлаш юзасидан социалистик мусобақанинг 1986 йил сентябрь ойи якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи **Қорақалпоғистон АССР**га берилди.

1986 йил сентябрь ойида ем-хашак етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун республика социалистик мусобақасида қуйидаги коллективлар ғолиб деб топилди:

**Пахтаобод райони,**
**Оқолтин райони,**
**Қувасой шаҳри,**
Фарғона область Ленинград районидаги **Энгельс номли колхоз,**
Тошкент область Тошкент районидаги **Собир Раҳимов номли колхоз,**
Наманган область Задарё районидаги **«Гулбоғ» совхози,**
Бухоро область Вобкент районидаги **«Вобкент» наслчилик хўжалиги.**

## Кадрлар ўқуви

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги республика раҳбар ходимлари малакасини ошириш институти тингловчиларининг навбатдаги туркумида машғулотлар тугади.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг масъул ходимлари, министрлик ва идораларнинг саноат ва транспорт тармоқлари бошқармалари ва бўлимлари бошлиқлари, йирик корхоналарнинг директорлари, соғлиқни сақлаш органларининг раҳбарлари, бошқа масъул ходимлар икки ой давомида социализмни такомиллаштиришнинг актуал проблемаларини, партиянинг иқтисодий сиёсатини, халқ хўжалигини бошқаришни яхшилаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларини, совет давлат қурилиши ва ҳуқуқи асосларини ўргандилар. Партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми материалларини чуқур ўрганишга алоҳида эътибор берилди.

Республикадаги илғор корхоналарга, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига бориб, бу ерларда бир қанча амалий машғулотлар ўтказилди.

Республика Министрлар Советининг масъул ходимлари, республика министрлари, олимлари тингловчилар ҳузурида лекция ўқидилар.

(ЎзТАГ).

## АГРОПРОМ: БОШҚАРИШ САНЪАТИ

Тошкентда Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети агросаноат комплексини бошқариш олий мактабида бўлиб ўтган республика семинар-кенгаши машғулотларига КПСС XXVII съезди қарорлари асосида агросаноат органларида сиёсий ва иқтисодий ўқишни қайта қуриш чоралари мавзу қилиб олинди.

Беш кун мобайнида семинар қатнашчилари — иқтисодий таълим системасининг пропагандистлари, область агросаноат комитетлари раисларининг ўринбосарлари, район агросаноат бирлашмаларининг раислари, қурилиш трестлари бошқарувчиларининг ўринбосарлари ва корхоналарнинг директорлари республика агросаноат комплекси иқтисодий механизмни ривожлантириш муҳим проблемаларини, хўжалик юритиш янги методларини ўргандилар, комплекс тармоқларида бригада пудратини кенг кўламда жорий этиш, шу тармоқларни пул билан ўзини-ўзи таъминлашга, хўжаликлар ва корхоналарни эса ўзини-ўзи қоплашга ўтказиш йўлларини муҳокама қилдилар.

Семинар қатнашчилари республиканинг илғор хўжаликлари ва Давлат агросаноат комитети корхоналарида иқтисодий ўқишни ташкил этиш тажрибаси билан танишдилар. **(ЎзТАГ).**

## СССРДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

ЛЕНИНГРАД, 17 октябрь. (ТАСС). Аргентина Республикасининг Президенти Рауль Рикардо Альфонсин бугун Совет Иттифоқидан жўнаб кетди. У СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига мувофиқ мамлакатимизга расмий визит билан келган эди.

## СИМПОЗИУМ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

Тошкентда ёниш ва портлаш жараёнлари билан алоқадор проблемаларга бағишланган саккизинчи Бутуниттифоқ симпозиуми бўлиб ўтди. Мамлакатнинг турли шаҳарлари ва илмий марказларидаги илмий-тадқиқот институтлари, олий мактаблар ва бошқа ташкилотлардан вакил бўлиб келган мингга яқин олимлар, ишлаб чиқариш мутахассислари беш кунлик учрашув давомида ҳозирги замон технологиясининг муҳим ва истиқболли соҳаларига бағишланган кўпдан-кўп актуал назарий ва амалий масалаларни кўриб чиқдилар.

Прометей тўғрисидаги қадимги афсонага мувофиқ, азалдан одамларга яхшилик келтирувчи олов иссиқроқ ва ёрқинроқ ёниши учун нималар қилиш керак? Симпозиум қатнашчилари ана шу масалаларга оид таклифларини муҳокама программасига киритилган 389 докладда, илмий мунозара тариқасидаги нутқларида айтдилар. Мунозара ҳар куни бешта секция мажлисларида бўлиб ўтди. Шулардан бири — студентлар секцияси биринчи марта бундай анъанавий учрашувлар ўтказиш планига киритилди. Секция мажлисларида ёниш ва портлаш назарияси проблемалари, шу назарияларни технологиянинг амалий вазифаларига татбиқ этиш имкониятлари; ёқилғи хом ашёсидан янада самарали фойдаланиш, технологик самарани, ёниш ва портлаш жараёнларида химиявий ва бошқа хил реакциялар фойдали иши, ёқилғи ва энергияни тежаш, табиий муҳитни, аввало ҳаво ҳавзасини зарарли газлар ва чиқиндилар билан булғанишдан сақлаш йўллари кўриб чиқилди.

Шу муносабат билан симпозиумда ўзбекистонлик олимларнинг баъзи ишлари ҳам яхши баҳо олди. Булар орасида Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институтида олиб борилаётган ичдан ёнар моторлар учун альтернатив ёқилғи деб аталмиш ёқилғини, жумладан, автомобиль ёқилғисини излаш, автомобилларни анъанавий ёнилғи турларидан янада тежамли ва экологик тоза газга ўтказиш ишлари бор. ВНИИПромгаз Ўрта Осиё филиали олимларининг газ ва бошқа хил ёқилғи ёқиш самарадорлигини ошириш, энергияни тежаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги ечимлари қайд этилди.

— Берилган бундай баҳолар бизни, албатта, хурсанд қилади, — деди ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда филиал директори, Беруний номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофотининг лауреати Д. М. Аҳмедов. — Лекин биз берилган бу баҳоларни истиқболимизга муваффақият тилаш деб ҳисоблашга кўпроқ мойилмиз. Коллективимиз унча катта бўлмаса-да, ҳозир интенсив ўтаётган қайта қуриш асосида тадқиқотларимиз сифати ва аҳамиятини янада юқори кўтариш, уларнинг ишлаб чиқариш самарасини ошириш учун етарлича илмий ва ижодий имкониятларга эга. Кейинги вақтларда институтда янги илмий йўналишлар актив ривожлантирилмоқда — блокли автомат горелкалар, зарарли моддани жуда оз чиқарадиган янги ўтхона қурилмалари вужудга келтирилмоқда, республикамизнинггина эмас, шу билан бирга мамлакатдаги бошқа регионларнинг иссиқлик электр станциялари ва саноат корхоналарига аталган бошқа хил янгиликлар ишлаб чиқилмоқда. Ҳозирги симпозиум, унда таниқли совет олимлари ва мутахассисларининг қатнашуви, уларнинг тажрибаси билан танишиш бизга, шунингдек, шу мўътабар учрашувнинг бошқа ҳамма қатнашчиларига илмий ва амалий вазифаларни тезроқ ва муваффақиятли ҳал этишга имкон беради, деб ишонамиз.

*ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР*

# ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ИШЛАР ТАЪСИРЧАНЛИГИ

Бу йил Қушчи пахта тайёрлаш пункти Марҳамат районидаги Ильич номли, «Пахтакор» колхозларидан 11 минг тонна пахта қабул қилиб олади. Пунктда ремонт ишлари барвақт тугалланди, транспортёрлар, қуритиш барабанлари созланди. Лаборатория техникавий жиҳатдан яхши жиҳозланди. Бунда, айниқса, коммунистларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Пункт бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида қўлга киритилган ютуқлар таъкидлаб ўтилди. Партия ташкилоти секретари Э. Носировнинг ҳисобот докладида ва музокараларда иштирок этган коммунистларнинг сўзларида ўтган мавсумда йўл қўйилган камчиликлар очиб ташланди. Оммавий-сиёсий ишларни жонлантириш кераклиги таъкидланди.

Бултур пункт мудири Солижон Собиров, классификатор Баҳодир Хўжаев каби коммунистларнинг масъулиятсизлиги, ўз бурчига бепарволиги туфайли пахта қабул қилиш графиги бузилди. Пахта тортиш ярим тунгача чўзилган пайтлар кўп бўлди. Пахта кеч олиб келинганлиги сабабли лаборатория анализлари орқага сурилиб кетди. Пункт ишчилари кундузи бекор ўтириб, тунларни бедор ўтказдилар.

Партия ташкилоти бунга бефарқ қарамади. Коллектив фаолиятидаги салбий кўринишлар партия йиғилишида муҳокама этилди. С. Собиров, Б. Хўжаев ўртоқларга ҳайфсан берилди. Йиғилишда партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, раҳбар кадрлар ва барча коммунистларнинг масъулиятини оширишга қаратилган қарор қабул қилинди.

Ҳисобот даврида партия йиғилишларида фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш масалалари бир неча марта муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Афсуски, бу муҳим қарорларни ҳаётга татбиқ этишда партия ташкилотининг сусткашлиги сезилмоқда. Масалан, пахтани анализ қилиш ва сортини аниқлаш қурилмаси мутахассис йўқ деган баҳона билан 3 йилдан бери ишлатилмаётир.

Партия ташкилоти коммунистлардан Анваржон Ваҳобовга коллективнинг ғоявий-сиёсий билимини ошириш, Суйдихон Убайдуллаевага партия йиғилишларида билдирилган танқидий фикр ва мулоҳазаларнинг амалга оширилишини таъминлаш, Баҳодир Хўжаевга пункт территориясида кўргазмали агитация ишларини олиб боришни топширган эди. Лекин улар бу топшириқларни кўнгилдагидек бажармадилар. Йиғилишда коммунистларнинг топширилган иш учун масъулиятини ошириш борасида ҳали кўп ишлаш лозимлиги таъкидланди.

Ҳисобот даврида партия сафларининг ўсишига эътибор берилмаганлиги ўринли танқид қилинди.

— Пахта қабул қилиш бошланди, — деди ўт ўчириш командасининг бошлиғи А. Ваҳобов, — пунктимизда келди-кетди кўпайди, камида 100 киши ишлаяпти. Кечқурунлари тунаб қолишга тўғри келади. Лекин пунктимизда шарт-шароит ёмон. Дам олиш учун тузук хоналар йўқ. Чойхона ҳам чатоқ. У ерда қизил бурчак, телевизор, шахмат-шашка бўлиши, янги газета-журналлар қўйиб турилиши зарур. Кишиларнинг кайфияти жуда муҳимлигини унутмаслигимиз керак.

— Менинг шаънимга айтилган гаплар тўғри, — деди коммунист Б. Хўжаев, — янги мавсумда ўтган йилги хатоларни такрорламайман. Пахта қабул қилишда графикдан четга чиқмасликка ҳаракат қиламиз.

Лаборатория мудири С. Убайдуллаева музокарада сўзга чиқиб, коммунистлар билан ишлашни яхшилаш, оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, пунктда ёшлар кўплиги, уларда спортга қизиқиш катталиги, лекин шароит йўқлиги, лаборатория қурилишини тезлаштириш, кутубхона очиш зарурлигини уқтирди. Лабораторияда газ йўқлиги учун қишда катта қийинчилик туғилмоқда, — деди у.

Бош бухгалтер А. Манновнов меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишга бўлган масъулиятни ошириш, лаборатория анализи билан пахта тозалаш заводи анализи ўртасида ўтган мавсумда рўй берган тафовутни йўқотиш хусусида сўзлади.

— Пунктда комсомол, касаба союз ташкилотларининг роли сезилмайди, — деди райкомдан келган вакил К. Хўжамбердиев. — Социалистик мусобақа қоғозда бору, амалда йўқ. Ишчилар ким билан мусобақадош эканлигини билишмайди. Кўргазмали агитация талабга жавоб бермайди. Шиорлар эскириб кетган. Коллектив ўртасида суҳбатлар камдан кам ўтказилади, лекциялар ўқилмайди.

Танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида партия ташкилоти ишни қайта қуриб олиши кераклиги таъкидланди. Бошланғич партия ташкилоти қабул қилган қарорда коммунистларнинг авангардлик ролини ҳамда масъулиятини оширишга, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми талаблари асосида оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларни кучайтиришга, иш услубини янгилашга эътибор берилди.

**А. ҚУРОНБОЕВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

## МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

### ДАСТЛАБКИ ТОЛА — ҚАРДОШЛАРГА

Наманган областидаги «Гулбоғ» пахта тозалаш заводи коллективи янги ҳосилдан кўплаб сифатли тола тайёрлаб чиқаряпти. Дастлабки туркум тола қардошларга — Рибний тўқимачиларига юборилди.

Корхона ҳар куни 70—75 тоннадан тола тайёрлашга эришяпти. Бу— суръат ўтган йилгидан анча тезлашди дегани.

Б. МАҲМУДОВ,
статист.

### ЙИЛЛИК ПЛАН — БАЙРАМГА

**— КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномаси асосида иш тутаётган коллективимиз аъзолари, — дейди Сариосиёдаги 20-автобаза илғор ҳайдовчиси Зайниддин Саидов, — 1986 йил планини Улуғ Октябрь 69 йиллиги байрами кунигача бажаришга аҳд қилдилар.**

**Аҳдига яраша баракали меҳнат қилаётган шоферлар ҳар сменада 25—30 процент кўп юк ташимоқдалар. З. Саидов ҳозир йилни якунлаш арафасида. Социалистик мусобақада М. Абраев, В. Редин, Т. Юсупов, В. Васильев каби ҳайдовчилар олдинги сафда боришяпти. Шундай пешқадамлар сафи кенгайиб бораётгани сабабли автобаза шоферлари йил бошидан буён планга қўшимча 880 тонна-километр иш бажардилар.**

Ҳ. ТОШЕВ,
Сурхондарё области.

### ҚЎШИМЧА МАЖБУРИЯТ

**Мўйноқ районидаги «Қозоқдарё» балиқчилик заводининг балиқ овловчилари коммунист Оралбой Даубоев, СССР балиқ саноати аълочиси Тансиқбой Қоражонов, Бутуниттифоқ мусобақаси ғолиби Қиличбой Отарбоев, Жақсибой Бекжоновлар ғайрат билан ишлаб, 1987 йил ҳисобига маҳсулот топшира бошладилар.**

**Завод азаматлари КПСС Марказий Комитети Мурожаатномасига жавобан қўшимча мажбурият қабул қилдилар. Улар йиллик мажбуриятдагидан 200 центнер кўп балиқ овлаб бериш ҳақидаги аҳдларига яраша баланд руҳ билан ишлаяптилар.**

С. ЗИЯУОВ.

### НАЗОРАТСИЗЛИК

Яккабоғ район агросаноат бирлашмаси корхоналарида электр энергиясини исроф қилиш ҳоллари учраб турибди. Назоратсизлик оқибатида бирлашмага қарашли техника ремонти устахонасида шу йилнинг ўтган ойларида 68 минг 500 киловатт-соат электр энергияси лимитда белгиланганидан ортиқча сарфлаб юборилди.

Шаҳрисабздаги 111-механизациялашган кўчма колоннада, Қамаши районидаги «Водоканал» идорасида ҳам электр энергия исрофгарчилигига бефарқ қаралаяпти.

Н. ҒОЗИЕВ,
Қашқадарё области.

* * *

Редакция жадаллаштириш талаблари асосида иш тутаётган коллективлар фаолияти ҳақида наманганлик **К. Маҳмудов, Т. Сулаймонов**, андижонлик **М. Абдуқодиров, Р. Фозилова**, сурхондарёлик **Ҳ. Тошев**лардан ҳам хат-хабарлар олди. Қорақалпоғистондан **С. Зияуов**, Тюмендан **М. Маҳмудов**, Ангрендан **К. Одинаев**, Бухородан **Б. Ражабов**, Оҳангарондан **О. Хушназаров** йўллаган хабарлар ҳам шу мавзуга бағишланган.

*ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҚАЙТА ҚУРИШ ЧОРРАҲАЛАРИДА*

# ТЎҚНАШУВ

Кейинги ўн йил ичида Наманган районидаги Ленин номли колхозда беш киши партия комитети секретари бўлиб ишлади. Неъматилла Аҳмадалиев, Абдуғаффор Қаҳҳоров, Усмонжон Валиев, Абдулҳамид Бобораҳимов... Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам ишдан бўшаб кетишга мажбур бўлишди. Савол туғилади: наҳотки колхоз коммунистлари секретарь сайлашда ҳар гал ҳам янглишган бўлсалар? Наҳотки ана шу беш секретарнинг барчаси ўз ишини эплай олмайдиган кишилар тоифасидан бўлса? Аҳвол билан чуқурроқ танишганимизда бутунлай бошқача манзарага дуч келдик.

...Абдуғаффор Қаҳҳоров партком секретари бўлиб сайланганига қадар райондаги «Ленинград» колхозида бош зоотехник бўлиб ишлади. У хўжалик чорвачилигида кескин бурилиш ясашга, бу муҳим соҳа бўйича областда олдинги ўринга чиқиб олишга муносиб ҳисса қўшди. Бироқ Ленин номли колхозда партия комитети секретари бўлиб ишлаган икки йил ичида эса деярли бирор ўзгариш қилолмади. Мўлжаллаган барча режаларини амалга оширолмай, яна «Ленинград» колхозига, олдинги ишига қайтишга мажбур бўлди.

Шуниси ажабланарлики, Ленин номли колхозда партком секретари бўлиб ишлаган бошқа коммунистлар фаолиятида ҳам худди ана шундай кўнгилсиз воқеалар содир бўлган эди. Гап шундаки, буларнинг ҳаммасига колхоз правлениесининг раиси Собиржон Абдураҳимов, унинг ходимлар билан, айниқса мутахассислар билан чиқишолмаганлиги сабаб бўлди. Ҳа, мустақил иш юритган ҳар қандай ходим ҳам раисга ёқавермасди. Унинг ихтиёри билан, тўғрироғи Абдураҳимовнинг инжиқлигига тоб беролмай, қисқа вақт ичида бош агрономлик вазифасида беш киши ишлаб кетди. Ҳар 2—3 йилда бош экономист ва бош бухгалтернинг ўзгараверишига одамлар ҳам кўникиб қолишди. Бу ишнинг ҳаммаси раиснинг хоҳиши, буйруғи билан бўлаётгани уларга сир эмасди.

Раҳбар жиддий бўлиши, ҳамма ерда ўз ўрни, ўз обрў-эътиборини билиши, кишилар билан мулоқотда оддий, меҳрибон, айни пайтда талабчан бўлиши лозим. С. Абдураҳимовнинг раҳбарлик услуби, ҳаёт фалсафаси эса бунинг акси эди. У ҳамма жойда ўзини салобатли, калондимоғ тутишга ўрганиб қолган эди. Одамлар орасида бўлганида уларнинг қўлидан бир пиёла чой ичиш у ёқда турсин, ҳатто сўрашишни ҳам эп билмасди. Тўй, маросимларга-ку, умуман қатнашмай қўйган. Бора-бора калондимоғ раис эл орасида обрўсини йўқотди. Унинг ҳузурига келиб юрагини очадиган, маслаҳат сўрайдиган одамлар тобора камайди.

Колхозга ишга янги келган ҳар қандай раҳбар ёки мутахассис раиснинг қўполлиги, кишилар олдида берган ноўрин дашномларига чидайвермасди. Даставвал ишга астойдил киришсалар ҳам, бора-бора кўнгиллари совирди. Ўз ихтиёрлари билан ариза ёзиб, бўшаб кетишга мажбур бўлардилар.

Ўтган йилнинг октябрь ойида колхоз партия комитети секретарлигига сайланган Ҳамиджон Набиев ҳам ишга астойдил киришди. У ўз фаолиятини қатъий партиявий позицияда туриб бошлади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари асосида партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан кўп иш қилиш зарурлигини биларди.

Кейинги пайтларда бу ерда партия ва давлат интизомини, социалистик қонунчиликни қўпол тарзда бузишга йўл қўйилмоқда эди. Сўнгги икки йил мобайнида беш кишининг партия сафидан чиқарилгани, 22 киши турли партиявий жазо олганлиги бежиз эмас эди.

Хўш, қандай қилиб хўжалик шундай ночор аҳволга тушиб қолди? Колхозда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш қандай ҳал этиляпти? Нима учун кейинги йилларда партия ташкилоти ҳаётида шунчалик кўп кўнгилсизликлар содир бўлди. Партия комитети секретарини мана шу саволлар ўйлантирарди. Хўжаликдаги аҳволни чуқур ўрганиш , одамлар билан бўлган суҳбатлар вазиятни анча ойдинлаштирди. Бу ерда қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик чуқур илдиз отган. Кишилар масъул участкаларга билими, тажрибаси ва ташкилотчилик маҳоратига қараб эмас, балки правление раисига ёқиш-ёқмаслигига қараб тайинланар экан. Чунончи бош экономист Абдуллажон Раҳмонов раис билан холавачча. Ферма мудири Сотқинбой Муҳиддинов яқин қариндош, касаба союз комитети раиси Мамадали Охунов Абдураҳимовнинг қудаси. 11-бригада бошлиғи Тўланбой Ҳалилов жияни... Хуллас идора аппарати, дала ва фермаларда раиснинг «ўз одам»лари маҳкам ўрнашиб олишган. Хўжаликка бу хилда раҳбарлик қилиш партиянинг кадрлар билан ишлаш сиёсатига мутлақо тўғри келмайди. Ўзбекистон Компартияси XXI съезди бундай раҳбарлик услубини қатъиян қоралади. Ҳ. Набиев шу ҳақда правление раиси билан принципиал гаплашиб олишга кўп марта ҳаракат қилди. Аммо унинг барча уринишлари ҳар гал ҳам зое кетаверди.

...Ҳ. Набиевнинг партком секретари қилиб сайланганига эндигина икки ой бўлганди. Район ички ишлар бўлимидан колхоз ёнилғи-мойлаш материаллари омбори мудири Баҳодир Маликовнинг жиноий иши бўйича хат келди. Маликов бундан аввал магазин мудири бўлиб ишлаган даврида совет савдоси қоидасини бузгани учун судланган. Уни келгусида моддий жавобгарлик лавозимларида ишлатиш қатъиян тақиқланганди. Лекин кўп ўтмай, у яна «ёғли» жойни эгаллаб олди. Чунки Б. Маликов ҳам раиснинг яқин қариндоши эди. Суянчиғига ишониб омбор мудири бўлиб ишлаётганида нафс йўлига кирди. Ўзига ишониб топширилган ёнилғини дуч келган кишиларга пуллайверди. Район ички ишлар бўлими Маликов қилган барча жиноятларни аниқлаб, унинг устидан жиноий иш қўзғади...

Худди шу кезларда Собиржон Абдураҳимов «Чортоқ» санаторийсида дам олаётганди. Партком секретари Маликовни ишдан бўшатиш зарурлиги қайд қилинган алоқа хатини унга юборди. Бироқ раис «Маликов бўшатилмайди, бу ишни колхозга қайтгач, ўзим ҳал қиламан» деди. Ички ишлар бўлимидан яна алоқа хати келганидагина С. Абдураҳимов «тегишли чора кўришни» партком секретари зиммасига юклади! Б. Маликов хизмат вазифасидан бўшатилди. Жиноятчи ишдан кетдию, бу воқеа кейинроқ Ҳ. Набиевнинг бошига кўп маломатларни ёғдирди.

Раис санаторийдан тўнини тескари кийиб қайтди. Унинг авзойини бундан ҳам баттар бузадиган фактлар колхозда анча тўпланиб қолган эди. Колхознинг 8-бригадаси аъзолари бригадир, раиснинг жияни Т. Халиловнинг барча қилмишлари ҳақида правление ва партия комитетига шикоят ёзиб келишди. Унда айтилишича, «бригадир хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, дала бетини кўрмаган Ҳафиза Маликова, Майрамхон Файзиеваларнинг номига 700 сўм пул ёзиб олган». Раиснинг яқинларидан яна бири Сотқинбой Муҳиддинов ҳам хизмат вазифасидан фойдаланиб, ошнаси орқали колхоз молини сотиш учун бериб юборганида бозор ёнида қўлга тушган.

Х. Набиев раисга мана шу воқеалар ҳақида ахборот бердию балога қолди. Раис «мен бор эканман, уларнинг кафтига тикон кирмайди» деб ўшқирди. Лекин партком секретари аҳволни шу ҳолича қолдириш жиноят эканини, партиявий масъулият ундан дарҳол кескин чоралар кўришни талаб қилишлигини тушунарди. Бунинг устига хўжаликнинг бошқа соҳаларида ҳам колхоз Устави қўпол тарзда бузилаётгани тўғрисида хабарлар кела бошлади. Масалан, Х. Қодиров бошлиқ боғдорчилик бригадасида 3 тонна олма даромадга киритилмай яшириб қолинган. Боғда ўғирлик биринчи маротаба содир бўлаётгани йўқ. Бундан икки йил аввал боғдорчилик бригадаси бошлиғи Н. Хомидов ҳам икки тоннадан зиёд нок ва нашватини чайқовчиларга сотиб қўлга тушган, партия сафидан чиқарилиб, жиноий жавобгарликка тортилган эди. Воқеа яна қайтарилганди.

— Мен буни раиснинг топшириғи билан қилдим,— деди Х. Қодиров партком секретарига.

Қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик, лаганбардорлик илдиз отган жойда соғлом танқид бўлмайди. Меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятлари, таклиф ва мулоҳазалари инобатсиз қолдирилади. Партиявий таъсир сусайиб кетади. Ленин номли колхозда ана шундай вазият ҳукм сурмоқда. Бу ерда колхозчиларнинг умумий йиғилишлари, правление, партия комитети мажлислари танқид ва ўз-ўзини танқидсиз ўтади. Салгина танқидга ҳам хўмрайиб қараш, аччиқ-араз қилиш одат бўлиб қолган.

Колхоз партия комитетининг шу йил 26 июндаги мажлисида Ҳ. Набиев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва область партия комитетининг IV пленуми қарорлари асосида колхоз партия ташкилотининг партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган иши тўғрисида доклад қилди. Докладда кейинги йилларда партиявий-ташкилий, сиёсий-тарбиявий ишларда юз бераётган жиддий хато ва камчиликлар қаттиқ танқид қилинди. Колхоз касаба союз комитети раиси М. Охуновнинг янги шароит ва талаблар асосида ўз ишини қайта қуриб олмаётгани, социалистик мусобақани ташкил этиш ва унинг самарадорлигини таъминлаш, меҳнаткашларга зарур маданий-маиший шароит яратиб беришда жиддий нуқсонларга йўл қўяётгани фактлар билан фош этилди. Мажлисда шунингдек, правление раисининг турмуш маданияти бўйича ўринбосари Н. Аҳмадалиев номига ҳам қаттиқ танқидий гаплар айтилди. Хўжаликда уй-жой, маданий-маиший объектлар қурилиши ночор аҳволга тушиб қолган. Йўлларни асфальтлаш, қишлоқни водопроводлаштириш ва газлаштириш масалаларига эътибор берилмайди. Сўзга чиққан коммунист С. Абдуллаев, Ш. Мирзахўжаевалар ҳам бундай аҳвол билан ортиқ муроса қилиб бўлмаслигини, ишда зудлик билан ўзгариш ясаш лозимлигини таъкидлашди.

Бироқ колхоз раиси, партия комитетининг аъзоси С. Абдураҳимов бу таклифларга кишилар кутганидай принципиаллик билан ёндашмади. У ўз дўстлари — М. Охунов ва Н. Аҳмадалиевларнинг ёнини олди.

Коммунистлар беҳуда ташвишланмаган эдилар. Мажлисдан сўнг правление раиси партком секретари Ҳ. Набиевни амалда бутунлай якkалаб қўйди. Партком секретарининг фикрига бутунлай қарама-қарши иш тутишга ҳаракат қилди. Раис у билан маслаҳатлашмай, унга яқин коммунистни ўзбошимчалик билан эгаллаб турган хизмат вазифасидан бошқа ишга кўчирди. Қўйчилик фермаси мудири Туроббой Боқиевнинг партиявий иши кўриб чиқилаётган мажлисда ҳам шундай йўлни тутди.

Боқиев қалбаки ведомостлар тузиб, кишилар номидан ўзи қўл қўйиб ва бошқа йўллар билан 3145 сўм маблағни ўзлаштириб юборди. Унинг бу жиноий иши тергов органлари томонидан очиб ташлангач, қамоққа олинди. Шуниси ажабланарлики, Т. Боқиевдан олдин ҳам худди шу лавозимда ишлаган коммунист Бойдарали Мирзааҳмедов жиноят қилиб партиядан чиқарилган, икки йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди. Правление раиси кассир бўлиб ишлаган даврида молиявий хатоларга йўл қўйган Т. Боқиевни унинг ўрнига тайинлади. Боқиев янги лавозимда ҳам эгри қўллигини кўрсатди.

Чорвачилик фермаси коммунистлари Боқиевнинг хатти-ҳаракатига принципиал баҳо бердилар ва уни бундан буён партия сафида туриши мумкин эмас, деб топдилар. Боқиевнинг партиявий иши колхоз партия комитетининг мажлисида ҳам кўриб чиқилди. Шунда мутлақо бошқача вазият вужудга келди. Партком аъзолари правление раиси С. Абдураҳимов, бош экономист А. Раҳмонов, бош зоотехник Т. Йўлдошев, касаба союз комитетининг раиси М. Охунов — хуллас партия комитетининг 11 аъзосидан 7 киши Т. Боқиевнинг ҳалоллиги, ишбилармонлиги, яхши коммунист эканлигини айтиб, уни партия сафида қолдириш, ҳисоб варақасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор беришни таклиф қилдилар. Шуниси ажабланарлики, бу коммунистларнинг бирортаси ҳам ўз сўзида жамоат чорвачилигидаги қолоқликни, тармоқда қайта қуриш мутлақо сезилмаётганлиги ҳақида лом-мим дейишмади.

Аксинча, цех партия ташкилоти ҳамда комитет аъзоларидан 4 кишининг Боқиевни партия сафидан чиқариш ҳақидаги таклифини инобатсиз қолдиришга ҳаракат қилишди. Пировардида бу ишга район партия комитети аралашди. Шундан кейингина ҳақиқат қарор топди.

Хўжаликда партия комитети секретари ҳақида ҳар хил гаплар оралаб қолди: Эмишки, Ҳ. Набиев бугун-эрта ишдан ҳайдалармиш... Раис эса одамлар олдида атайлаб уни обрўсизлантиришга ҳаракат қиларди. Ҳатто орадан кўп ўтмай партком секретари фойдаланадиган автомашина шофери бошқа ишга кўчирилди. Ҳ. Набиев ҳайдовчилик гувоҳномаси борлиги сабабли машинани ўзи бошқара бошлади. Аммо ёнилғи-мойлаш материаллари омборининг мудири унга ёнилғи бермай қўйди.

— Шоферингиз йўқлиги учун машинангизга бензин берилмайди. Раиснинг буйруғи шундай, — деди у. Буни гараж мудири О. Мирзабоев ҳам тасдиқлади.

Одатда ҳар бир инсонда сабр-тоқат, чидам, ироданинг ҳам чегараси бўлади. Ажабланарлиси шундаки, правление раисининг ўзбошимчалиги тўғрисида район партия комитети секретарларига бир неча бор ахборот берилганига қарамай, улар бу ишга аралашишни маъқул кўрмаяптилар. Ҳеч қандай ўзгариш бўлмаётганлиги, устига-устак аҳвол тобора жиддийлашиб бораётгани эса Ҳ. Набиевни изтиробга солмоқда. Бу воқеалар мана шу кунларда ўзбошимчалик, раҳбарликдаги тўрачилик каби салбий ҳолатларга қарши жиддий кураш олиб борилаётган, коллегиаллик кучайтирилаётган, барча соҳада қайта қуриш амалга оширилаётган бир пайтда содир бўлаётгани кишини жуда ажаблантиради. Ўйлаймизки, район партия комитети принципиал йўл тутиб, партком секретари мавқеини мустаҳкамлаш, обрўсини ошириш, хўжалик партия ташкилоти жанговарлигини таъминлаш тадбирларини кўради. Бинобарин, колхоз правлениеси раиси С. Абдураҳимовга коммунистнинг бурчи, масъулияти ва вазифасини эслатиб қўяди.

**Ш. ХОЛМИРЗАЕВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

# ЧЕТ ЭЛЛАРДА

## ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИГА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН!

● ВАШИНГТОН. Рейкьявикда олий даражадаги учрашув чоғида АҚШ ҳозирги маъмуриятининг «самовий урушлар» программасига қайсарлик билан ёпишиб олгани сабабли аҳдномаларга эришиш имконияти бой берилди. Бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида қурол-яроғ устидан контрол соҳасидаги таниқли Америка экспертлари шу фикрни айтдилар. Қуроллар устидан контрол тарафдорлари уюшмасининг президенти Спаржен Кинининг айтишича, Рейкьявикдаги учрашувда жиддий силжишга эришиш учун реал имконият бор эди. «Аммо президент Рейган «стратегик мудофаа ташаббуси» фойдасига қарор қабул қилди.

● ЛИССАБОН. Рейкьявикда олий даражадаги Совет—Америка учрашувида Рейган маъмуриятининг айби билан муҳим аҳдномаларга эришиш йўлидаги реал тарихий имконият қўлдан чиқарилди, — деди Португалия Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Албану Нуниш. АҚШ ҳозирги раҳбарларининг «самовий урушлар» программасига берилганлиги, деб уқтирди у Лиссабондаги «Антенна—1» радиостанцияси мухбири билан суҳбатда, —яхши ниятли барча кишиларда тобора кўпроқ ташвиш уйғотмоқда. Қуролланиш пойгаси, шу жумладан ядровий қуролланиш пойгаси авж олдирилаётганлиги учун масъулиятни Вашингтон зиммасига юклаб Албану Нуниш Совет Иттифоқи тинчликсевар ташаббусларининг муҳим аҳамиятини таъкидлади.

● НЬЮ-ЙОРК. АҚШ ва СССР раҳбарларининг Рейкьявикдаги учрашуви тинчлик ва қуролсизланиш сари бурилиш учун, бутун инсоният бошига қирғин хавфини солиб турган қуролланиш пойгаси сиёсатидан воз кечиш учун тарихий имконият борлигини кўрсатди, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда АҚШ Тинчлик кенгашининг ижроия директори Майкл Майерсон. Афсуски, Вашингтон маъмуриятининг тутган позицияси сабабли ана шундай бурилиш ҳозирча рўй бергани йўқ. Рейган маъмурияти Америка халқининг ҳаётий манфаатларини эмас, балки қуролланиш пойгасидан жуда катта фойда олаётган ҳарбий-саноат комплексининг ғаразли манфаатларини кўзлаб иш тутаётганлиги тобора равшан бўлиб бормоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Михаил Горбачев Совет телевидениеси орқали нутқ сўзлаб, соғлом ақл-идрок ва янгича сиёсий фикрлаш пировардида ғалаба қилади, деб ишонч билдирди. Тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг муттасил ўсиб бораётган кучини, СССРнинг собитқадам тинчликсевар ташқи сиёсатини ҳисобга олиб, биз М. Горбачевнинг умидворлигига қўшиламиз. Халқаро кескинликни юмшатишга қаршилик қилаётган кишилар ҳам ана шу омиллар билан ҳисоблашишга тобора кўпроқ мажбур бўлмоқда.

(ТАСС).

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

**● БЕРЛИН. ГДР пойтахтида ГДР ва СССР олимларининг К. Маркс ва Ф. Энгельс асарлари тўла тўпламини биргаликда нашр этиш ва улар илмий-назарий меросини ўрганишга бағишланган конференция очилди. Конференция ишида Венгрия, Польша, Чехословакия, Дания ва ГФР олимлари ҳам иштирок этмоқдалар.**

**● ЛОНДОН. Англия пойтахтидаги касалхоналардан бирида янги корпус ишга тушириш маросимида қатнашиш учун келган Буюк Британия бош министри Маргарет Тэтчерни юзлаб намойишчилар қаҳр-ғазаб билан қарши олдилар. Улар консерватив ҳукумат бошлиғидан соғлиқни сақлаш миллий системаси эҳтиёжлари учун давлат маблағларини қисқартиришни тўхтатишни талаб қилдилар. Касалхонани қуршаб олган полициячилар намойишчиларни ичкарига қўймадилар.**

**● ҚОҲИРА. Иордания ташқи ишлар министри Тоҳир ал-Масрий Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш юзасидан Совет Иттифоқи илгари сурган таклифларини қўллаб-қувватлади. Саудия Арабистонида чиқадиган «Эр-Риёд» газетаси мухбири билан суҳбатда у Яқин Шарқдаги аҳволни бартараф этиш юзасидан халқаро конференцияга тайёргарлик кўриш учун БМТ Хавфсизлик Кенгашининг бешта доимий аъзосидан иборат комитет тузиш тўғрисидаги СССР ташаббусига Иорданиянинг розилигини айтди.**

**● ВАШИНГТОН. АҚШ конгрессининг муроса комитети Пентагонга маблағ ажратиш хусусидаги қонун лойиҳасининг ўз вариантини ишлаб чиқди. Бу қонун лойиҳаси ана шу маҳкамага 1987 молия йилида 292 миллиард долларга яқин маблағ ажратишни кўзда тутади. Бу ҳужжатда бир килотоннадан ортиқ ядро синовини бир йилгача тўхтатиш хусусидаги вакиллар палатаси тақдим этган тузатиш инобатга олинмаган, Бинар химия снарядлари ишлаб чиқаришга рухсат берилади, СҚЧ-2 шартномаси бузилиб, стратегик қуролларнинг янги системаларини яратишга маблағ ажратилади.**

(ТАСС).

## ПУШТУНЛАР БОСМАЧИЛАРГА ҚАРШИ КУРАШНИ КУЧАЙТИРМОҚДАЛАР

КОБУЛ, 16 октябрь. (ТАСС). Пуштун халқ лашкарларининг отрядлари афғон аксилинқилобчиларига қарши қуролли курашни кучайтирмоқдалар. Пуштунлар чегара яқинида яшовчи қабилалар олий жирғасининг қарорларини бажара бориб, АДРга суқулиб киришга уринаётган босмачи тўдаларнинг йўлига ғов солмоқдалар. Бахтар агентлигининг хабар беришича, пуштунлар кейинги кунларда Покистоннинг шимоли-ғарбий чегара вилоятида душманлар учун мўлжалланган қурол-яроғ ва ўқ-дори ортилган тўртта юк машинасини йўқ қилишган, ўндан зиёд босмачини ўлдиришган ва ярадор қилишган.

## ЭРОН—ИРОҚ ФРОНТИДА

**БАҒДОД.** Ироқ ҳарбий бош қўмондонлигининг хабар беришича, Харк оролидаги нефть саноати объектлари яна ҳаводан бомбардимон қилинган. Теҳрон яқинидаги Кереж дарёсига қурилган электр станция ва Диз дарёсидаги гидроэнергетика узелига қарашли трансформатор кичик станциясига авиация зарбалари оқибатида шикаст етказилган. Ироқнинг бир қанча эскадриялари Шероздаги авиабазага ҳужум қилдилар. Аэродром майдонида 23 та ҳарбий-транспорт самолёти яксон этилди. Ироқ самолётлари фронт линияси бўйлаб 80 мартадан кўпроқ тактик жанговар парвоз қилиб, душман қўшинлари тўпланган районларга зарба урдилар. Жанговар ҳаракатлар чоғида Ироқнинг бир самолёти уриб туширилди. Форс кўрфазида Эрон ҳарбий катерларининг Ал-Омик нефть платформасига ҳужум қилишга уринишлари даф этилди.

Эроннинг узоққа отадиган артиллерияси Басра ва Хурмал шаҳарларини ўққа тутишни давом эттирди. Сўнгги уч кун мобайнида граждан аҳоли ўртасида ҳалок бўлганлар ва ярадор қилинганлар сони 50 кишидан ҳам ортиб кетди.

**НИКОСИЯ.** Ирна агентлигининг хабар беришича, Ироқнинг ҳарбий самолётлари Шероз аэропортига ҳужум чоғида Эроннинг граждан самолётини ўққа тутдилар. Уч йўловчи ўлдирилди ва 30 га яқини ярадор бўлди. Артиллерия фронтининг шимолий ва марказий участкаларида душман позицияларини узлуксиз ўққа тутди. Эрон ҳарбий вакили, Ироқнинг авиация ҳужумларига жавобан Басра шаҳрининг иқтисодий объектларини артиллериядан ўққа тутиш давом эттирилади, деди.

(ТАСС).

## СССР МОЛИЯ МИНИСТРЛИГИ ВА СССР ДАВЛАТ БАНКИДА

СССР Молия министрлиги билан СССР Давлат банки маълум қиладиларки, СССР халқ хўжалигини ривожлантириш Давлат заёми (1952 йилда чиқарилган) облигацияларининг 1,0 миллиард сўмини тўлаш иккинчи тиражи 1986 йил 14 ноябрь куни Қозонда ўтказилади. Шу тиражнинг расмий жадвали марказий газеталарда 10 декабрь куни босиб чиқарилади, омонат кассалари эса тиражда чиққан пулларни 1986 йил 11 декабрдан тўлай бошлайди.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

## «ХЎЖАСИЗЛИК»

Газетанинг шу йил 13 июль сонида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақолада Ургут районидаги Крупская номли колхозда чорва, ғалла, картошка маҳсулотлари етиштиришда жиддий нуқсонларга йўл қўйилаётганлиги, шунингдек, хўжаликда хўжасизлик ҳукм сураётганлиги ҳамда бошқа камчиликлар очиб ташланган эди.

**Ушбу мақола юзасидан УРГУТ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИдан олинган расмий жавобда қуйидагилар хабар қилинади:**

**— Мақола район партия комитети бюро мажлисида кўриб чиқилди. Унда мақолада кўрсатилган фактлар тўғри, деб топилди. Хўжалик юритишда хато ва камчиликларга йўл қўйганлиги, лимонарий қурилишида ёлланма ишчилар ишлатганлиги учун колхоз правлениеси раиси О. Бойматовга виговор берилди.**

**Партиявий раҳбарликни бўшаштириб юборганлиги учун колхоз партия комитети секретари С. Ёқубовга виговор эълон қилинди. Бухгалтерия ҳужжатлари юритишда, лимонарий қурилиши учун нарядларни тўлдиришда нуқсонларга йўл қўйганликлари, моддий жавобгар шахсларнинг ишини ўз вақтида назорат қилмаганликлари учун хўжаликнинг собиқ бош бухгалтери Э. Маматов, колхоз ревизия комиссиясининг собиқ раиси Т. Жумановларга ҳисоб варақасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор берилди.**

**Шунингдек, ярим йиллик сут тайёрлаш планининг бажарилишини таъминламаганлиги, чорва моллари маҳсулдорлигини пасайтириб юборганлиги учун сут-товар фермаси мудири А. Ҳайдаров, тартиб-интизомни бўшаштириб юборганлиги, ишга чиқмаган слесарга иш ҳақи ёзганлиги учун колхоз автотрактор парки мудири А. Самиевлар хўжалик партия комитети томонидан қаттиқ огоҳлантирилгани инобатга олинди.**

**Колхоз правлениесига лимонарий қурилишини қаттиқ назоратга олиш ва уни қисқа муддатда ишга тушириш вазифаси топширилди.**

**Район агросаноат бирлашмаси Советига район хўжаликларида лимонарий қурилишининг аҳволини кўриб чиқиш топширилди.**

**Бундан ташқари текширишда аниқланган начет ва камомадлар тўла ундириб олинди.**

